



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 сентябрь кuni Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг топширигига биноан мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси қишлоқ хўжалиги вазири Александр Ткачевни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, юқори ва олий даражадаги мунтазам учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг изчил ривожланиши ва янада мустақамланишига, турли соҳалар, жумладан, қишлоқ хўжалигида ўзаро манфаатли амалий ҳамкорлики кенгайтиришга хизмат қилганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Мамлакатларимиз ўртасида мавжуд бўлган «ишил йўлак» доирасида Россия бозорига етказиб берилаётган ҳўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларининг тури ва ҳажми кенгайиб бормоқда. Россия ташкилот ва компаниялари ҳар йили Ўзбекистонда ўтказилаётган Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида фаол иштирок этиб келмоқда. Шу ойнанинг бошида бўлиб ўтган навбатдаги ярмарка ақнида умумий қиймати 500 миллион доллардан ортиқ бўлган экспорт шартномалари имзоланди.

Агротехнология маҳсулоти қўшма дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда. Интенсив боғдорчилик, иссиқхоналар хўжалиги,

чорвачиликни ривожлантириш, селекция ва уруғчилик соҳалари шулар жумласидандир. Мамлакатларимиз илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Учрашувда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тўғридан-тўғри етказиб бериш ҳажмини ошириш учун қулай шароитлар яратиш ва замонавий савдо-логистика инфраструктурасини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Аграр соҳада кооперацияни кучайтириш ва қўшма ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, уруғчилик ва ветеринария препаратлари тайёрлаш муҳимлиги қайд этилди. Малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлиқни кенгайтиришга келишиб олинди.

Россия қишлоқ хўжалиги вазири давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Ҳукумат раиси Дмитрий Медведевнинг саломи ва эзгу тилақларини етказди.

Александр Ткачев Россия мамлакатларимиз ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кенг қўламли ва ўзаро манфаатли амалий ҳамкорлиқни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТАТАРИСТОН РАҲБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 сентябрь кuni мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси Президенти Рустам Миннихановни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган келишувлар ҳамда жорий йил апрель ойидаги Россияга давлат ташрифи доирасида имзоланган икки мамлакат ҳудудлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга мувофиқ Россия Федерациясининг Татаристон ва бошқа субъектлари билан алоқалар фаоллашиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Мавжуд улкан sanoat салоҳияти, аънанавий ақин ҳамкорлик ва кўп асрлик маданий-тарихий алоқалар кўп қиррали ўзаро шериклиги тубдан кенгайтириш учун ишончли пойдевор яратаятгани қайд этилди.

Учрашувда амалий ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ва уни аниқ мазмун

билан бойитишга доир масалалар батафсил кўриб чиқилди.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, нефть-газ, нефть-кимё, кимё, автомобилсозлик, машинасозлик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги тармоқлари, ахборот технологиялари соҳаси ва бошқа йўналишларда инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди.

Таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданий-гуманитар алмашув ва сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларни фаоллаштириш ва қўшма дастурларни амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Татаристон Президенти Рустам Минниханов давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Республикаси билан кенг қўламли ҳамкорлиқни мустақамлашга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

МУНОСАБАТ

26-сеп 2017. 418

ОРОЛ МУАММОСИНИ БИРГАЛИҚДА ЕЧИШ ЗАРУР

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72 сессиясини катта эътибор ва қизиқиш билан кузатиб бордик. Айниқса, Президентимизнинг ушбу ташкилотнинг юксак миқбарадан туриб сўзлаган нутқи ҳаммамизни ҳаяжонлантирди. Албатта, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаётимиз, одамлар тафаккуридаги янгиланиш, Ўзбекистоннинг XXI асрга хос бўлган янги қиёфаси очилаётганлиги ҳар биримизнинг ғуруримиз ва масъулиятимизни оширяпти.

Яқиндагина давлатимизда валюта сиёсати эркинлаштирилди, тадбиркорлар ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинмоқда. Солиқ имтиёзлари, кредит билан таъминланиш масалалари бўйича ҳуқуқий асослар янада мустақамланди. Президентимиз юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар тўғрисида ишонч ва қатъият билан гапирганини бутун дунё эшитди, жаҳон ҳамжамияти Ватанимиз қудрати тобора ортаётганига ғувоб бўлди.

«Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё — биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустақамлашнинг қатъий тарафдоридир». Бу сўзлар халқимизнинг кўнглидаги оғриқ-истакни ифода этди, десак, тўғри бўлади.

Биз, қорақалпоқликлар Президентимизнинг Орол денгизи фожияси ҳақидаги сўзларини бутун вужудимиз билан тингладик. «Бугунги куннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири — Орол ҳалокатиға яна бир бор эътиборингизни қаратмоқчиман. Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш халқаро миқёсдаги сай-ҳаракатларни фаол бирлаштиришни тақозо этмоқда.

Биз БМТ томонидан Орол фожиясидан жабр кўрган аҳолиға амалий ёрдам кўрсатиш бўйича шу йил қабул қилинган махсус дастур тўлиқ амалға оширилиши тарафдоримиз». Дарҳақиқат, Орол бутун бир миллат ёки бир мамлакатнинг муаммоси эмас. Бу фожия алақачон бир-икки давлат ҳудудидан четға чиқиб бўлди. Бу фожияға қарши биргаликда қурашил-маса, ундан Ер юзидаги иқлим, бутун инсоният зиён кўриши мукаррар.

Тўғри, Орол фожияси туфайли ушбу минтақада юзаға келган экологик офат оқибатларини юмшатиш, жаҳон жамоатчилиги эътиборини бу муаммоға қаратиш, қорақалпоқ диярини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Масалан, ҳозир

Оролнинг қуриган қисми — 5,5 миллион гектардан зиёд майдонни саҳроға айланди. Бу қўллаб-қўшимлик турлари қамайиб, йўқ бўлиб кетиш хавфини туғдирди. Шунинг олдини олиш мақсадида саҳрода яшил қалқон барпо этилди. Атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, ҳудудда биохилма-хилликни асраш ишлари изчиллик билан давом этмоқда. 360 минг гектар майдонда иқлим шароитиға мос бўлган қандим, саксовул экилиб, тузли чанг-тўзон қўчишининг олди олинмоқда. Бу эзгу ишларда ҳаммамиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз, Орол муаммоларини биргаликда ечишимиз керак, деб ўйлайман.

Президентимизнинг Ўзбекистон номидан ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида халқаро конвенция ишлаб чиқишни тақлиф қилган жаҳон ҳамжамияти томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Президентимиз нутқи Ҳаракатлар стратегияси асосида Ўзбекистон жадал ривожланаётгани, «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган тамойил амалда рўёбға чиқаётганини яна бир бор намоийш қилди. Унда илгарй сурилган фикр ва гоялар тинчликсевар сиёсатимизнинг ёрқин намунасидир.

Гулистон АННАКИЛИЧЕВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорги Кенгеси депутаты,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

СУВ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда экологик вазиятни яхшилашға, шу жумладан, сув объектларини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, тошқин ва сел ҳодисаларида фавқулодда ҳолатларнинг олдини олишға алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирға, қонунчиликда мавжуд бўшлиқлар дарёлар ўзанлари ва сувни муҳофаза қилиш зоналари, кўллар, сув омборлари, каналлар, коллекторлар ва бошқа сув объектларини тозалаш, шунингдек, уларнинг қирғоқларини мустақамлаш (кейинги ўринларда дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустақамлаш деб юритилади) ишларини амалға оширишда қўшма материалларни рухсатсиз қазиб чиқариш учун шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ўз навбатида, қўшма материалларнинг рухсатсиз қазиб чиқарилиши аксарият ҳолларда ер усти ва ер ости сувлари қамайиб кетиши, сувни муҳофаза қилиш зоналари ботқоқлашиши ва ифлосланиши, уларнинг қирғоқлари, сугориш тизимлари, транспорт ва гидротехника инфраструктурасини бузилишиға, шунингдек, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар самарадорлигининг пасайишиға олиб келмоқда.

Фақат 2017 йилда дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустақамлаш, нурда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларини ноқонуний амалға ошириш бўйича 228 та ҳолат, шу жумладан, давлат экологик экспертизаси ҳулосаси ёки нурда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияси мавжуд бўлмаган 176 та субъект томонидан ноқонуний амалға оширганлик ҳолатлари аниқланган.

Дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустақамлаш, нурда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларининг ноқонуний амалға оширилишиға йўл қўймаслик, атроф-муҳитға салбий таъсирининг олдини олиш,

шунингдек, транспорт ва гидротехника инфраструктурасини объектларининг хавфсиз ишлашини таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки: дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустақамлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг сел, тошқин ва ер қўқис хавфи бўлган туманларда қирғоқни мустақамлаш, ҳимоя қилиш ва тиклаш ишлари бўйича ихтисослаштирилган муҳандислик-техник отрядлари (кейинги ўринларда ФВВ ихтисослаштирилган отрядлари деб юритилади) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февралдаги ПҚ-585-сон қарори билан ташкил этилган Тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юборишни таъминлаш, қор қўчиш ва ер қўқи ҳодисалари хавфини қамайтириш бўйича Ҳукумат комиссиясининг (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) қарорларига асосан бошқа ташкилотлар томонидан фақатгина тошқин сувлари ва сел оқимларини ўтказиб юборишнинг имкониятсизлиги билан боғлиқ салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида амалға оширилади;

дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустақамлаш ишларини амалға ошириш тўғрисида Комиссия қарори Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг дарё ўзанларини ўрганиш ҳамда тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш имкониятларини баҳолаш натижалари бўйича қўшма ҳулосаларига асосан қабул қилинади;

дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустақамлаш ишларини амалға оширишға лойиҳа ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан тўғри ҳужжатларида белгиланган

тартибда давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши шарт;

дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустақамлаш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февралдаги ПҚ-585-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 майдаги 135-сон қарорларига мувофиқ амалға оширилади;

дарёлар ўзанларида нурда фойдали қазилмаларни қазиб олиш тасдиқланган захиралар мавжудлиги ва сув режимига салбий таъсирға йўл қўймаслик шарти билан нурда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияға қатъий мувофиқ равишда амалға оширилади;

нурда фойдали қазилмалар конини ишлаб чиқариш «Саноат-геоконтехназорат» давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган ер қаъридан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминловчи ишлаб чиқариш тизими бўйича амалға оширилади;

ФВВ ихтисослаштирилган отрядлари ва бошқа ташкилотлар нурда фойдали қазилмалар қайта ишланган ва сотилган ҳолларда ер қаъридан фойдаланганлик учун белгиланган тартибда солиқ тўлайди. Бунда дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустақамлаш ишларини молиялаштириш нурда фойдали қазилмаларни сотишдан олинган даромадлар миқдорига қамайтирилади.

2. Дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустақамлаш, нурда фойдали қазилмаларни қазиб олиш тартибининг бузилишини аниқлаш ва олдини олиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи Идораларо гуруҳлар (кейинги ўринларда идораларо гуруҳлар деб юритилади) ташкил этилсин ҳамда уларнинг намунавий таркиби иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки: Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар идораларо гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг қўшма қарори билан, туман ва шаҳар идораларо гуруҳлари эса, сув объектларининг жойлашувини инобатға олган ҳолда, уларнинг ҳудудий бўлинмалари қўшма қарори билан ташкил этилади;

идораларо гуруҳларнинг фаолияти устидан раҳбарлик прокуратура органлари томонидан амалға оширилади.

3. Куйидагилар Идораларо гуруҳларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустақамлаш, нурда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларининг ҳолатини Комиссия қарорларига, лойиҳа ҳужжатларига, нурда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияларда назарда тутилган шартларға, шунингдек, қонун ҳужжатларининг бошқа талабларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ўрганиш;

дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустақамлаш, нурда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларини ноқонуний амалға ошириш ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш юзасидан тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустақамлаш, нурда фойдали қазилмаларни қазиб олиш тартибининг бузилишида айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида профилактика тадбирларини ташкил қилиш ва ўтказишда иштирок этиш;

► Давоми 2-бетда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Санжар ШОТЎЛАНОВ олган суратлар.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Ўзбекистон ХДП фракцияси бу масала бўйича парламент ва депутатлик нazorатини кучайтиради

Бўчаға борган бола ўз тенгдошлари билан фикр алмашади, тарбиячи ўтган дарслар орқали дунёқарашни шаклланиб боради, дастлабки таълим-тарбияни олади.

Шунинг учун мактабгача таълим тизимини тубдан ислох қилишға, унинг моддий-техника базасини мустақамлаб, замонавий мезонлар асосида ривожлантириб боришға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хар йили мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш, шароитини яхшилаш, зарур воситалар билан

таъминлаш масалаларига давлат бюджетидан керакли маблағ ажратилапти. Бироқ шунға қарамай, қатор камчиликлар мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини тўлиқ амалға оширишға тўсқинлик қилмоқда.

Маълумки, Президентимизнинг «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унда мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, мактабгача

таълим муассасаларининг инфраструктураси ва моддий-техник жиҳозланшини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалға ошириш назарда тутилган.

Парламент қўйи палатасида ЎзХДП фракциясининг йиғилишида Халқ таълими вазирлиги Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бoш бoшқармаси бошлиги Дилшод Кенжаев куйидагиларни маълум қилган эди:

► Давоми 3-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИСУВ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ
ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтказилган тадбирлар ва аниқланган ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ахборотларни, шунингдек, дарёлар ўзларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норузда фойдали қазилмаларни қазиб олиш тартибини такомиллаштириш бўйича тақлифларни мунтазам равишда Комиссияга киритиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Саноат-геоконтехназорат» давлат инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари дарёлар ўзларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норузда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларининг ушбу қарор талабларига мувофиқ амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

Бунда ушбу назорат жараёнида ўтказиладиган текширишлар Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилиши белгилансин.

◀ Давоми. Боиланиши 1-бетда.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси давлат органлари томонидан ушбу қарорнинг 4-бандида кўрсатилган назорат функцияларининг лозим даражада бажарилиши устидан назорат ўрнатсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ФВВ ихтисослаштирилган отрядларини ташкил этиш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда дарёлар ўзларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш учун ер участкаларини ажратиш бўйича олдин қабул қилинган қарорларини бекор қилсин, шунингдек, бундан кейин Комиссиянинг тегишли қарорисиз ер участкаларини ажратишга йўл қўймасин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал

ресурслар қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда тадбиркорлик субъектларига ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун сув объектлари ташқарисидан норузда фойдали қазилмаларнинг муқобил ҳомашё манбаларини аниқлашга қўмаклашсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Алия вазирлиги, Бош прокуратура, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

дарёлар ўзларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норузда фойдали қазилмаларни қазиб олиш тартибини бузганлик учун маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш курали ёки бевосита шундай нарсга бўлган ашёни мусодара қилишга жавобгарликни кучайтиришга

қаратилган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини;

Дарё ўзларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда қабул қилинган идоравий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 25 сентябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сув объектларини муҳофаза қилиш
тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига
ШАРҲ

Кейинги вақтларда дарёлар ўзларини, қўллар, сувни муҳофаза қилиш зоналари, каналлар, коллекторлар ва бошқа сув объектларини тозалаш, шунингдек, уларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш (кейинги ўринларда дарёлар ўзларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш деб юритилади) ишларини ўтказиш кўринишида амалга ошириладиган кум-шағал материалларини назоратсиз қазиб олиш ҳолатлари кўпайди.

Ушбу фаолият дарё тўларининг ювилги кетишига, қирғоқларнинг ўпирилишига сабаб бўлади, бу, ўз навбатида, фавқулодда вазиятлар юзга келиши ҳамда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мулкига, шунингдек, атроф табиий муҳитга зарар етиши учун шарт-шароит яратмоқда.

Фақат 2017 йилнинг ўтган даврида дарёлар ўзларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норузда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларини ноқонуний амалга ошириш бўйича 228 та ҳолат аниқланган. Ушбу ҳолатлар бўйича прокуратура органлари томонидан жиноят ишлари қўзғатилган.

Юзага келган вазиятнинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш, шунингдек, мазкур соҳада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан дарёлар ўзларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норузда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларини ноқонуний амалга оширишга йўл қўймаслик бўйича комплекс чора-тадбирларни рўйбга чиқариш назарда тутилган.

Бундан ташқари, транспорт ва гидро-техника инфратузилмаси объектларининг хавфсиз ишлашини таъминлаш соҳасида аниқ вазибалар белгиланди.

Хусусан, дарёлар ўзларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари фақатгина тошқин сувлари ва сел оқимларини ўтказиб юборишнинг имкониятсизлиги билан боғлиқ салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

Мазкур ишларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида сел, тошқин ва ер кўчки хавфи бўлган туманларда қирғоқни мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш ва тиклаш ишлари бўйича ихтисослаштирилган муҳандислик-техник отрядлари ташкил этилади. Ушбу фаолият билан бошқа ташкилотлар ҳам шўғулланиши мумкин.

Бундай ишларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февралдаги ПҚ-585-сон қарори билан ташкил этилган Тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш таъминлаш, қор кўчиш ва ер кўчки ҳодисалари хавфини камайтириш бўйича Ҳукумат комиссиясининг қарори асос ҳисобланади.

Бунда Комиссия томонидан шундай қарор Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг дарёлар ўзларини ўрганиш ҳамда тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш имкониятларини баҳолаш натижалари бўйича қўшма хулосаларига асосан қабул қилинади.

Дарёлар ўзларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга оширишга лойиҳа ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши шарт.

Дарёлар ўзларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини молиялаштириш бюджет маблағлари, марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари, вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Норузда фойдали қазилмаларни қазиб олишни тартибга солиш, унинг экологияга салбий таъсирини бартараф этиш мақсадида дарёлар ўзларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлашда амалга ошириладиган мазкур фаолият лицензияланиши шарт.

Дарёлар ўзларини тозалаш ва қирғоқларини қазиб олиш ҳуқуқи учун лицензия Норузда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қазри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш бўйича Вазирлар Маҳкамаси Комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 2 майдаги ПҚ-1524-сон қарори билан белгиланган тартибда тасдиқланган захиралар мавжудлиги ва сув режимида салбий таъсирга йўл қўймаслик шарт билан берилади.

Норузда фойдали қазилмалар конини ишлаб чиқиш «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фавқулодда

вазиятлар вазирлиги билан келишилган ер қазиридан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш таъминловчи ишлаб чиқиш тизими бўйича амалга оширилади.

Мазкур соҳадаги қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида вилоят, туман ва шаҳарлар даражасида таркибига 12 та вазирлик, идора ва ташкилотларнинг, шу жумладан, давлат чегараларини ҳимоя қилиш, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари киритилган доимий фаолият кўрсатувчи идораларро гуруҳлар ташкил этилади.

Ушбу гуруҳлар республикада мавжуд умумий узунлиги 12,7 минг километрни ташкил этувчи 437 та дарё ва бошқа сув объектлари худудлари бўйича ўз фаолиятини олиб боради.

Идораларро гуруҳлар фаолиятига раҳбарлик прокуратура органларига юкланади.

Идораларро гуруҳларнинг асосий вазибалари этиб қуйидагилар белгиланди:

— дарёлар ўзларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норузда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларининг ҳолатини лойиҳа ҳужжатлари, лицензия шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ўрганиш;

— дарёлар ўзларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норузда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларини ноқонуний амалга ошириш ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш, шунингдек, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш;

— ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларига риоя этиш масалалари бўйича профилактика тадбирларини ўтказиш.

Бундан ташқари, давлат раҳбари томонидан дарёлар ўзларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норузда фойдали қазилмаларни қазиб олиш тартибини бузганлик учун маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш курали ҳисобланган ёки бевосита шундай нарсга бўлган ашёни мусодара қилишга бўлган жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди.

Ушбу қарорнинг рўйбга чиқарилиши, шак-шубҳасиз, дарё ва сув ҳавзаларининг ўзларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириши, норузда фойдали қазилмаларни қазиб олиш тартибга солиш, шунингдек, кум-шағал материалларини ноқонуний қазиб олишнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини бартараф этиш имконини беради.

МУНОСАБАТ

Дунёда қанча давлат, миллат, халқ бўлса, ҳар бирининг ўзига хос феъли, урф-одатлари, фазилатлари бор. У ёки бу масала бўйича уларнинг муносабати ҳам турлича бўлиши мумкин. Бироқ умуминсоний ғоялар, манфаатларга хизмат қиладиган тақлиф, ташаббусларни барча бирдек қўллаб-қувватлайди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЮЗИ ВА СЎЗИ

Мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёевнинг жаҳондаги энг нуфузли ташкилот — БМТнинг юксак минбарида сўзлаган нутқи бу ҳақиқатни яна бир бор исботлади. Аввало, таъкидлаш керакки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбарига тақлиф этилишининг ўзи Ўзбекистонга ва унинг раҳбарига ҳурмат-этиборнинг белгисидир. Жаҳон ҳам-жамиятининг бу қутлуғ минбарига туриб муносиб сўз айтиш масъулияти катта, дунё давлатлари раҳбарлари, сиёсат арбоблари этиборини тортиш, эътирофга сазовор бўлиш эса янада масъулиятли юмуш. Дунёнинг муаммоларини яхши билишни, катта ҳаётий тажрибани, чуқур билим, ақлий заковатни талаб этадиган шарафли вазифа.

Давлатимиз раҳбарининг нутқида билдирилган фикрлар, илгари сурилган ташаббуслар айнан ушбу жиҳатлари билан нафақат сессия иштирокчиларини, балки бутун маърифатли дунёни, ислом дунёсини ҳаяжонга солди, тўлқинлантириб юборди.

Бутун катта-катта давлатлар арбоблари, сиёсатчилари, оммавий ахборот воситалари билдираётган муносабатлардан келиб чиқиб, фикр-лайдиган бўлсак, айтиш мумкинки, бу нутқ, биринчидан, Ўзбекистоннинг янги раҳбарини дунёга янада яқиндан таништириш, иккинчидан, Ўзбекистондаги ҳозирги шиддатли, қатъий ислохотларни, давлатимизни ривожлантиришнинг бутунги стратегиясини, мамлакатимизда шаклланаётган янги сиёсий муҳитни, давлат бошқарувидаги янгича, қисси йўқ ёндашувларни дунёга таништириш. Бутун Ўзбекистон аввало, қўшни давлатлар билан ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдори экани маълум қилинди. Шу ўринда қуйидаги фикрга эътибор қаратиш лозим бўлади: «Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё — биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазибалар».

Бу сўзлар замирида қандай катта маъно-мазмун, эзу ниятлар борлигини англаб олмоғимиз керак. Ўзбекистон қўшниларига бағрини янада кенгроқ очаяпти, ҳамкорликка чорлаяпти, биргаликда ривожланишни истаяпти, бир-биримиздан кам бўлмаслигимизни хоҳлаяпти, оқилона, меҳр-оқибатли мurosани тақлиф этаёпти.

Шунингдек, Ўзбекистон дунёдаги барча давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрлиги алоҳида таъкидланди.

Президентимиз нутқи кенг эътироф этилаётганининг асосий сабаби шундаки, бутун инсониятни ташвишга солиб турган ўткир, глобал муаммоларга эътибор қаратиш баробарида уларнинг ечимлари бўйича аниқ, асосли ва амалий тақлифлар билдирилди. Масалан, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ фалокатли жараёнларни бартараф этиш учун халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштирилиши зарурлиги айтилди.

Президентимиз Орол денгизи ҳалокатига сессия қатнашчилари этиборини қаратаркан, Орол фожияси акс этган харитани баланд кўтариб, бир неча сония ушлаб турди. Бу ҳолатни кўрган ҳар бир юртодошимиз қаттиқ ҳаяжонга тушди. Давлатимиз раҳбари шундай қўйиниб, дунёни огоҳлантириб гапирдики, агар иложи бўлганида у харитани эмас, балки Орол денгизининг ўзини олиб келиб кўрсатишга тайёрлиги сезилиб турарди. Харитадаги даҳшатли манзара жаҳон жамоатчилигини

безовта қилиши, ўйга толдириши керак, албатта.

Орол фақат минтақанинг муаммоси эмас. Агар Ер шари инсониятнинг макони бўлса, унинг бир нуқтасидаги бу фалокат барчанинг муаммоси. Она замин бағридаги бу фалокат дунёнинг кўплаб худудларига салбий таъсир кўрсатиши мутахассислар томонидан аллақачон исботланган.

Президентимиз нутқида бутун инсониятга катта ташвиш келтираётган ўткир муаммолар ечимига қаратилган яна икки қимматли тақлиф билдирилдики, уларнинг аҳамиятини қайта-қайта шарҳлаш керак бўлади. Биринчиси, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш тақлифидир.

Бу тақлиф қанчалик муҳимлиги асослаб берилди. Бутун терроризм таҳдидлари кучайиб бораётгани, экстремистик ҳаракатлар ва зуравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилаётгани таъкидланаркан, яна бир муҳим мисол алоҳида келтириб ўтилди: Бутун дунё ёшлари — сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этади.

Бу маълумотлар билдирилган тақлиф қанчалик муҳимлигини кўрсатиб турибди.

Иккинчи тақлиф биринчи тақлифнинг мантиқий давомии бўлиб, моҳиятан бир эзу мақсадга хизмат қилади. БМТ Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик», деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш тақлифи аҳамияти шарҳланган бўлса, узок гапирришга тўғри келади. Қисқа қилиб айтганда, жамики, жоҳилик ва ёвузликлар илмсизлик, маърифатсизлик оқибатларидир. Улуғ аждодларимизнинг муқаддас китобларидан бунга қўллаб мисоллар келтириш мумкин: «Илмсиз киши одобли ва кўркам бўлиши мумкин эмас», «Жоҳил киши эса гўзал ахлоқлардан бебаҳра бўлиб, ҳалол ва ҳаромнинг фарқига бормайди. Бундай кишилардан ҳар қандай ёмонлик кутиш мумкин», «Маърифат бор жойда жаҳолат чекинади», «Илим эгалаган киши икки дунё саодатига эришади».

Бошқача айтганда, жаҳолатни қурол-яроғ билан енгитиш мумкин эмаслигини ҳаёт кўрсатмоқда. Агар бутун дунё маърифатга интилса, болалар қўлига автомат эмас, китоб берилса, қурол-яроғга кетаётган маблағ маърифат ишларига сарflanса, жаҳолатни енгитиш, бало-қазолардан халос бўлиш, тинчлик-барқарорликка эришиш мумкин.

Масаланинг яна бир жиҳатига эътибор қаратиш зарур. Президентимиз қайсидир бир ҳудудни эмас, дунё тинчлигини кўзлаган тақлифларни билдирапти, қайсидир бир халқ болаларини эмас, балки дунё болаларини асрайдиган ташаббусни илгари сураяпти. Бу тақлифлар ҳали кўп ўрганилади, таҳлил этилади, дунёнинг кескин муаммолари ечимлари тўғрисида хулосалар чиқариб олиш имконини беради.

Биз шуни ишонч билан айтаемизки, Президентимизнинг нутқи ҳаётий тақлифлари, чуқур маъно-мазмун, эзгуликка йўғрилган мақсад билан Ўзбекистоннинг бутунги юзини кўрсатди, Ўзбекистоннинг бутунги сўзи бўлиб янгради.

Сафар ОСТОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Фақат 2017 йилнинг ўтган даврида дарёлар ўзларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норузда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларини ноқонуний амалга ошириш бўйича 228 та ҳолат аниқланган.



ҲАМҲОРАТЛАРИМИЗ КУЧЛИЛАР САФИДА



Ашхободда ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинлари якунига етиб бормоқда. Кеча мусобақанинг ўнинчи кунда юртдошларимиз боулинг, шоҳмот, спорт рақси, теннис, кикбоксинг, самбо, сузиш, эркин кураш, оғир атлетика бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Эркин курашчимиз Давид Модзмашвили финалда хитойлик рақибини 8:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди. Ўзбекистон делегацияси таркибига яна бир олтин медалини оғир атлетикачимиз Рустам Жангабоев олиб берди.

Самбо бўйича Олим Худойкулов, эркин кураш беллашувларида Умиджон Усмонов кумуш медалга сазовор бўлди.

Шунингдек, Фаррух Дўстов, Санжар Файзиев (теннис), Улугбек Ҳакимов, Ирина Кулокова (самбо), Алексей Тарасенко (сузиш), Ихтиёр Наврўзов, Севара Эшмуродова (эркин кураш), Хумоюн Фармонов (кикбоксинг) бронза медалини қўлга киритди.

Осиё ўйинларининг ўтган ўн кун натижалари бўйича 23 олтин, 30 кумуш, 64 бронза медалини қўлга киритган спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида Туркменистон, Хитой ҳамда Эрондан сўнг тўртинчи ўринни эгаллаб туришибди.

Футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мусобақанинг ярим финалида Япония терма жамоасини мағлубиятга учратган эди. Ҳамюртларимиз бугун финалда Эрон терма жамоасига қарши майдонга тушади.

Эртага Осиё ўйинларининг сўнгги кун ва ёпилиш маросими бўлиб ўтади.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мулоҳаза

«БОЙ» ЎРНИГА «ВОЙ» ёки исмда ҳикмат кўп

Муборак динимиз арқонидан янги туғилган ўғил ё қиз чақалоққа чиройли ва маъноли исм қўйиш ота-онанинг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Чиройли ва маъноли исм! Акс ҳолда, бир кун келиб, исм эгаси ноқулай аҳволга тушиши, ота-онасидан ранжиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Фарзанда исм танлаш — катта масъулият. Танлаган исмининг жарангдор, сержозига, оҳанглиги ўз йўлига.

Биринчи навбатда унинг маъносини тушуноғимиз керак. Бир танишимизнинг исми Зулқарнайн. Эҳтимол, Искандар Зулқарнайнга ҳавас қилиб, ота-онаси шу номни танлаган. Унинг маъноси (икки шохли) эса ҳеч кимни қизиқтирмаган.

Болалик давримизда Теша, Болта, Табар, Ўрок, Қўқон, Тош, Жума, Бозор, Олтиш, Саксон, Тўқсон, Тўхтасин, Кўпайсин, Тошқул, Эшқул, Норқул деган исмларга кўп дуч келардик. Нима, бошқа ном қуриб қолганим, деган ҳаёлга борардик. Кейинроқ уларнинг ҳаммаси ҳам ўйламай қўйилган, исм эмаслигини, бунга нимадир ва қандайдир воқеа сабаб бўлгани, айрим исмлар замирида алақандай ҳавас ва армон, эзгу ният ётганини англагандек бўлдик.

Халқимизда Аллоҳ ва унинг расули номига бевоқиф исмларга ўзгача эҳтиром ва эътиқод билан ёндашилади. Мангуберди, Худоёр, Худойназар, Назармуҳаммад ва ҳоказо каби. Лекин афсуски, шева таъсирида кўп исмлар ҳақиқий шаклини йўқотиб, Эшмат, Тошмат сингари талаффузи осон тарзда истеймолга кирди.

Пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг муборак номлари маҳаллий шевада Мадамин, Мадёр, Матназар, Машариф, Мамажон, Мамадали сингари турлича тарзда ўзгариб кетди. Фамилиялар ҳам шунга яраша туғил-


ганликни қайд этиш идораларида тилни билмайдиган ёки писанд қилмайдиган ҳодимлар томонидан бузиб ёзилди.

Ишонамизда раҳбар ўтирадиган хона эшигига «Ишмухамедов» деб ёзиб қўйилган. Бошқа биттасида эса «Ишанов» деган фамилия. Бу нима? Ўйга толасан киши, атайлаб қилинганми ёки киши билмас ҳақоратми? Абдуллоҳ, Файбуллоҳ, Файзуллоҳ каби исмлар таркибига «Аллоҳ» деган калом қўшилган. Оғзаки нутқ ё мувожаатларда бу исмлар Абдулла, Файбулла, Файзулла деб айтилишига ҳеч ким қарши эмас. Ёзувда тўғри ифодаланиши керак.

Рихситилла, Нейматилла каби номларга кўп дуч келамиз. Фарзанд келахагини, бахтини ўйлаган ота-она Яратган ризқини зиёда қилсин, неймат ато этсин, деган умид билан унга шундай исм қўйган. Бироқ бу исм аслида қандай бўлиши керак, Нейматуллоҳми, ё Нейматиллами?

Ўйлаб қўрайлик, хон, жон, шох, нисо, бону, гул қўшимчали ўғил-қизлар исмида ҳам олам-олам ният ва орзу умидлар муҳасаммиси биллиб турибди. Фарзандининг бой-бадавлат бўлишини ким истайди? Менинг бобокалоним ҳам, эҳтимол, шу ният билан бобомга «Шодибой» исм қўйгандир? Бироқ бу исм шу куннинг ёзма адабиётида негандир «Шодивой» деб қўлланилади. Шунингдек, Болтавой, Ўроқвой... «Вой»ни шарҳлашга эса ҳожат йўқ.

Ўтмишимиз фахрлинишга аризулик. Фарзанда ном қўйиш масаласида ҳам



гарбнинг асрлар мобайнида шарққа интилгани сезиларли: Назар, Сония, Сафия... Соҳибқирон бобомизга ҳавас қилиб Михаил Фрунзе ва Аркадий Гайдар каби машҳурлар ўз ўғилларига Тимур деб ном беришган. Бугун ўзимизда ҳам чақалоқни Тимур деб аташ оммалашмоқда. Ажаб, кимга ҳавас қилиб Темур эмас, Тимур ном беришни афзал қўраётимиз?

Маънодор, чиройли ва гўзал ўзбекча (ўзбекча) номлар ноёб эмас, бир дунё! Ҳафса керак, холос.

Исмида ҳикмат кўплиги ҳақида доноларимиз кўп гапиришган. Исмнинг шариф бўлиши тўғрисида ҳам. Бир-бирларидан «исми шарифлари нима?» деб сўрашарди зиёлиларимиз («шариф» сўзини фамилия ўрнида қўлаш нотўғри, бу сўз исмини шарафловчи сифат, холос).

Тарихга мувожаат этсак, маърифатпарвар боболаримиз ҳам ўтган аср бошларидаги исмлар ғалати ва масҳаралик ҳолатида ёзилганга қарши мақолалар эълон

қилишган. Улуғ бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий 1914 йил «Ойна» журнаlining 18-сонидан чоп этилган «Ҳақолат дардларидан» мақоласида шундай дейди: «Исмининг билмаймиш! Нима учун? Бизга ўргатмабдурлар, масалан, исмининг Абдулсамат экан, «Абсамат», ҳатто, қишлоқларда «Апсамат» дерлар... оти «Едор» экан — «Жодигор», «Лутфулло» экан — «Нутфулло» аталадур дерлар...

Шундай ғалат кета берса, йигирма-ўттиз сана сўнгра халқ янадан авомроқ бўлиб, мусулмон исмлари яна зиёдароқ бузилур...».

Афсуски, бу огоҳлантиришга эътибор берилмади, оқибатини қўриб турибмиз.

Болаларимизга чиройли ва маъноли, аждодларимизнинг шарафли номларига муносиб исм қўйиш ҳар бир ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи эканини англаб етсак, яхши бўларди.

Муҳаммад ШОДИЙ,
Ўзбекистон ёзувчилар
юшмаси аъзоси.

Эълон

Каракалпакский филиал
ООО «Агросаноат
мулк маркази»
сообщает:

23 октября 2017 года в 15.00 часов по адресу: город Нукус, ул. Амира Тимура, дом №122а проводятся открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставяются на продажу:

— Трансформатор марки ТМ-1000/10, в количестве 5 штук. Начальная цена — 76 253 400 сумов.

— Металлический емкость. Начальная цена — 420 000 сумов, принадлежające «Инжиниринговой компании»

Служба единого заказчика Совета Министров Республики Каракалпакстан.

Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается 20 октября 2017 года в 18.00 часов.

Покупатель вносит залог не менее 15 процентов первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с №20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Туронбанк».

Информацию об объектах, выставяемых на торги, можно получить по адресу: г.Нукус, ул. Амира Тимура, дом №122а.

Телефон для справок: (0361) 222-55-84.

Свидетельство №006388-11.

Реклама ўрнида

ЖАМҒАРМА КЎМАГИДА ЭКСПОРТ САЛМОҒИ ОШМОҚДА

Москва шаҳрида бўлиб ўтган «World Food Moscow-2017» халқаро кўргазмасида Ўзбекистоннинг озиқ-овқат саноати салоҳияти кенг намойиш этилди. Нуфузли халқаро кўргазмада жаҳоннинг 60 га яқин мамлакатидан 2 мингдан ортиқ фирма ва компаниялар ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этди. Айтиш керакки, қатнашчилар ва меҳмонларда Ўзбекистон миллий экспозицияси катта қизиқиш уйғотди.

Юртимиз ишлаб чиқарувчиларининг хорижий мамлакатларда ўтказилаётган бундай халқаро ярмарка ва кўргазмалардаги фаол иштироки Ўзбекистон экспорт салоҳиятининг янада юксалишига хизмат қилмоқда. Бу жараёнда Миллий банк ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолияти ҳам муносиб ўрин олган. Жумладан, жамғарма кўмагида юртимиз ишлаб чиқарувчилари «World Food Moscow-2017» халқаро кўргазмасида иштирок этиб, унинг якунларига кўра салкам 10 миллион АҚШ доллари миқдоридаги экспорт шартномаларини тузишга муваффақ бўлди.

Кўргазма доирасидаги энг яхши маҳсулотлар танловида «Mehrigiyo» кичик корхонасининг «Гюльзор» ва «Гармония» номли бальзамлари олтин медал билан тақдирланди. Шунингдек, «Orientmax trade» МЧЖ корхонасининг «Gold Finchuza» ва «Saodat»



номли крахмалли финчуза маҳсулотлари олтин медалга, «Saodat» номли маҳсулоти эса кумуш медалга сазовор бўлди.

Жамғарманинг Навоий вилояти филиали ҳам хусусий сектор вакилларининг яқин ҳамкори ва кўмакчисига айланган. Хусусан, жорий йилнинг август ойида 11 ишлаб чиқарувчи филиал мутахассислари ёрдамида жами 20755,0 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотларини экспорт қилган. Шунингдек, жамғарма томонидан вилоят ишлаб чиқарувчиларининг экспорт салоҳияти ўрганилиб, умумий тижорат тақлифлари

ишлаб чиқилди. Бугунги кунда хорижий ҳамкорлар топиш юзасидан изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, жамғарма томонидан ишлаб чиқарувчиларга кўрсатилаётган амалий ёрдам уларнинг дунё бозорига чиқиш имкониятини кенгайтиришга, юртимиз экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Брифинг

ҚАРОВСИЗ УЙ ҲАЙВОНЛАРИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Тошкент шаҳар ҳокимининг жорий йил 22 сентябрдаги «Тошкент шаҳрида эпизоотик ва эпидемик барқарорликни таъминлаш борасида кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни амалга ошириш тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳиятини аҳолига, кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида шаҳар ҳокимлигида брифинг ташкил этилди.

Тадбирда пойтахтимизда дайди ва уй ҳайвонларидан жабрланганлар сони йилдан-йилга ошиб кетиши кузатилаётгани, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида улардан 3527 нафар фуқаро азият чеккани, 1633 нафари айнан дайди итлардан жабрлангани таъкидланди. Бу каби салбий ҳолатларга барҳам берилмаса, аҳоли ўртасида қутуриш касаллиги кескин кўпайиши мумкин.

Брифингда Тошкент шаҳар Обodonлаштириш бош бошқармасига қарашли марказий авария диспетчерлик хизматининг «Дайди ҳайвонларни тутиш отряди» ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида унинг фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Эндilikда отряд етарли даражада техника ва керакли анжомлар билан таъминланиб турилади. Шу билан бирга, қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш мақсадида кечяю-кундуз рейдлар ўтказилади. Қўчаларда ва бошқа жойларда қаровсиз қолган, шу жумладан эгасиз итлар, мушуклар ва йиртқич ҳайвонлар тутилади ва алоҳида вақтинча сақлаш учун махсус ажратилган жойларда сақланади.

— Аҳоли пунктларида ит ва мушукларни сақлаш қоидаларига риоя қилиш юзасидан назоратни кучайтириш ҳамда ушбу қоидалар бузилишига йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича чоратadbirlar ташкил этилади, — дейди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова. — Шунингдек, давлат ветеринария бўлиmlарининг тақдирномаси бўйича қаровсиз ва эгасиз қолган касал ҳайвонларни қутуриш жойларида, қутуриш касаллиги кўп учраши хавфи бўлган эпизоотик ҳудудларда отиб ташлашни ташкил этиш ҳамда бу хавфнинг олдини олишга қаратилган бошқа ишлар амалга оширилади.

Брифингда ҳайвонлар томонидан жароҳатлар етказилганда дарҳол соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаат қилиш лозимлиги таъкидланди.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти	(°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+11/+25	
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+13/+28	
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+15/+28	
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+15/+28	
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+15/+28	
Тошкент шаҳри	+12/+26	
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фарҳод Бобожоновга турмуш ўртоғи Шоира НИЗОМОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қиламиз.		
Бир гуруҳ дўстлари.		

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi, Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 938

9118

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22:45

Topshirilgan vaqti — 00:30

Sotuvda kelishilgan narxdo

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV

Sahiflovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

772030763006

1 2 4 5 6